

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-  
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАБАХОДЖАЕВ РАХИМЖАН ПАЧЕХАНОВИЧ**

**ГИДРОДИНАМИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ  
АСОСИДА ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ  
ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Бабаходжаев Рахимжан Пачеханович**

Гидродинамик жараёнларни жадаллаштириш асосида  
иссиқлик энергетикаси қурилмаларининг энергетик  
самарадорлигини ошириш усуллари.....3

**Бабаходжаев Рахимжан Пачеханович**

Методы повышения энергоэффективности теплоэнергетических  
установок на основе интенсификации гидродинамических процессов.....29

**Babakhodjaev Rakhimjan Pachehanovich**

Methods for increasing the energy efficiency of thermal power plants  
on the basis of intensification of hydrodynamic processes.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАБАХОДЖАЕВ РАХИМЖАН ПАЧЕХАНОВИЧ**

**ГИДРОДИНАМИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЭНЕРГЕТИК  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T153 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Муҳиддинов Джалалиддин Носирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алияров Бирлесбек Каниевич**  
техника фанлари доктори, профессор, академик  
(Қозғистон Республикаси)

**Мирзаев Шавкат Мустақимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Аббасов Ёрқин Содикович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Иссиқликэлектрлойиха» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва “Илмий-техника маркази” МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2, \_\_\_\_\_ хона. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тел./факс: (99871)227-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**К.Р. Аллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

**О.Х. Ишназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби,  
т.ф.д., к.и.х.

**Ш.И. Клычев**

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
даражалар берувчи илмий семинар,  
раиси муовини, т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги.** Жаҳонда иссиқлик энергетик қурилмаларида гидродинамик жараёнларни жадаллаштириш, конструктив элементларини такомиллаштириш ва бир нечта иссиқлик жараёнларини битта қурилмада амалга ошириш орқали самарадор технологиялар яратилмоқда. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг миллий энергетик дастурларида «гидродинамик жараёнларни жадаллаштириш орқали энергия ресурслар истеъмолига бўлган эҳтиёжни 20-25 фоизга қоплаш вазифаси белгиланган»<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан паст сифатли қаттиқ ёқилғини қайнаш қатламида ёқишни жадаллаштириш ва иссиқлик алмашинув жараён ҳамда қурилмаларнинг техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган конструкцияларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда иссиқлик энергетика жараёнлари ва қурилмалари энергия самарадорлигини оширувчи мукамал аниқланган режим, технологик ва конструктив параметрлар, гидродинамик ва иссиқлик жараёнларининг узлуксизлигини таъминловчи назоратлаш ва бошқариш схемаларини ишлаб чиқишда зарур бўладиган техник тавсифларни яратишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан узлуксиз жараёнларни таъминловчи иссиқлик элтувчи оқимининг критик тезлик қийматлари, гидравлик қаршилиқлар ва қаттиқ заррачалар концентрациясининг йўналиш бўйича конструктив параметрларга нисбатан ўзгариши ҳамда уларнинг математик моделлари, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва иссиқлик элтувчи оқимини турбулизацияловчи элементларни ўзгартириш асосида қувурларнинг замонавий конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга паст сифатли кўмирни қайнаш қатламида ёқиш ва кўп функцияли ўтхона жиҳозининг такомиллаштирилган конструкцияси асосида технологиялар яратиш, иссиқлик элтувчи оқимини турбулизациялаш туфайли иссиқлик алмашиниш жараёнларини жадаллаштириш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамызда иссиқлик энергетикаси ва иссиқликлик ишлатувчи қурилмаларни илмий изланиш натижалари асосида уларнинг конструкцияларини такомиллаштириш ва кенг жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимдорлигини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ёқилғи ва энергиядан

<sup>1</sup> <https://www.worldenergy.org>; <http://www.energyefficiencycentre.org>; Sompol Skullong, Pongjet Promvonge, Nuthvipa Jayranaiwachira, Chinaruk Thianpong Experimental and numerical heat transfer investigation in a tubular heat exchanger with delta-wing tape inserts // Chemical Engineering and Processing 109 (2016) 164–177. Journal home page : [www.elsevier.com/locate/cep](http://www.elsevier.com/locate/cep)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

фойдаланишнинг замонавий самарадор технологиялар ва қурилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг солиштирма кўрсаткичларини пасайтириш муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда ижтимоий соҳа ва саноат соҳаларида энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологияларни тадбиқ этишни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия-ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Паст навли қаттиқ ёқилғиларни ёқиш ва қувурли иссиқлик алмашинув қурилмаларида иссиқликни узатиш бўйича энергия ҳамда ресурс тежовчи технологияларини, улардаги қурилмаларининг такомиллаштирилган янги конструкцияларини яратишга йўналтирилган тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан Technical University Drezden, Technical University Shtuttgart (Германия), Technical University Toyohashi, Technical University Nagoya (Япония), Москва энергетика институти – Миллий тадқиқот университети, Урал Федерал техника университети, Бутунроссия иссиқлик техникаси институти, Фанлар Академияси Сибирь бўлими иссиқлик физикаси илмий текшириш институти (Россия), Кўмир технологиялари илмий текшириш институти, Иссиқлик физикаси илмий текшириш институти (Украина) ларда кенг камровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қаттиқ ёқилғи ёқиш мосламаларининг янги конструкцияларини яратиш ва иссиқлик алмашинув қурилмаларида иссиқлик элтувчи оқимини турбулизациялаш бўйича жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: гидродинамик ва иссиқлик алмашинув жараёнларини жадаллаштирувчи мосламаларнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилган ва режим кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган, бажарилган ҳисобий-назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида қаттиқ ёқилғини (кўмир ва пеллет)

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.iea-coal.org>; <http://www.energyefficiencycentre.org>; <https://en.euroacad.eu>; Market report series. - International Energy Agency Publications. - France, 2017. - 143 p.

муаллақ ҳолатдаги қатламда ёқишни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (Technical University Drezden, Technical University Shtuttgart, Германия); каттик ёқилғини самарали ёқиш мосламалари ишлаб чиқилган (Урал Федерал техника университети, Бутунроссия иссиқлик техникаси институти, Фанлар Академияси Сибирь филиали иссиқлик физикаси илмий текшириш институти, Россия, Кўмир технологиялари илмий текшириш институти, Украина); иссиқлик алмашинув аппаратларида гидродинамика ва иссиқлик алмашиниш жараёнлари уларнинг асосий кўрсаткичлари орқали оптималлаштирилган ҳамда мазкур қурилмаларнинг наъмунавий нусхалари яратилган (Москва энергетика институти – Миллий тадқиқот университети, Россия, Technical University Toyohashi, Technical University Nagoya, Япония, Иссиқлик физикаси илмий текшириш институти, Украина).

Жаҳонда ёқилғи ёқиш мосламалари ва иссиқлик алмашинув қурилмаларида гидродинамик ва иссиқлик алмашиниш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иссиқлик элтувчи оқимининг критик тезликларини бошқариш тизими иссиқлик қувватига монанд равишда такомиллаштириш; қурилма ва жараёнларни математик моделлаш ҳамда режим параметрларининг оптимал қийматларини аниқлаш услублари асосида такомиллаштириш; қурилмаларнинг гидравлик қаршилик кўрсаткичини характерловчи параметрларни оптималлаштириш ва энергия тежамкор янги конструкцияларини яратиш; қурилмаларнинг конструктив параметрларини бошқариш ҳамда уларда ёқилғи ва энергия ресурсларидан фойдаланишнинг солиштирма сарфини камайтириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида иссиқлик энергетикаси қурилмаларининг такомиллаштирилган конструкциялари, уларни ҳисоблаш ва уларда амалга ошириладиган гидродинамик ҳамда иссиқлик жараёнларни жадаллаштириш усуллари ишлаб чиқилган. Ёқилғи ёқиш самарадорлигини ошириш хусусиятларини ўрганиш бир қатор олимлар, жумладан Рамзин Л.К., Кнорре Г.Ф., Померанцев В.В., Ахмедов Р.Б., Кутателадзе С.С., Баскаков А.П., Майстренко А.Ю., Алияров Б.К., Бухман М.А., Рыжков А.П., Бурдуков Ю.М., Мунц В.А., Григорьев К.А., Бородуля В.А., Michael Beckmann, Мессерле В.Е. ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Бу ишларда ёқилғи ёқиш мослама ва қурилмаларининг конструктив ва режим параметрларининг ёниш жараёнини жадаллаштиришга боғлиқлиги ўрганилган.

Қурилмаларда иссиқлик алмашиниш жараёнларининг қонуниятлар ва гидродинамик ҳолатларга боғлиқликлари ҳамда ҳисоблаш усуллари бир қатор олимлар, жумладан Кирпичев М.В., Гухман А.А., Михеев М.А., Исаченко В.П., Халатов А.А., Мигай В.К., Дрейцер Г.А., Кузьма-Кичта Ю.Г., Бродов А.Ф., Kenzo Kitamura ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Иссиқлик энергетика қурилмаларида ёқилғи ва энергия ресурслардан фойдаланишнинг солиштирма кўрсаткичларини камайтириш усуллари бўйича Захидов Р.А., Мухиддинов Д.Н., Авезов Р.Р., Кремков М.В., Закиров С.Г., Шокиров А.О., Мирзаев Ш.М., Аббасов Ё.С., Исматходжаев С.К., Цоколаев

И.Б. ва бошқалар шуғулланишган. Аммо мазкур тадқиқотларда гидродинамикани фаоллаштириш ва унинг асосида иссиқлик жараёнларини янада жадаллаштириш ҳамда ёқилғи ва энергия ресурслар истеъмолнинг самарадорлигини ошириш масалалари, юқори қулли кўмир ишлатиладиган ёқиш мосламаларида турғун гидродинамиканинг таъминланиши ва жадаллаштирилган қайнаш қатламининг илмий асослари ҳамда суюқлик оқими кинетик энергияси ҳисобига тебранма ҳаракатга келтириладиган локал турбулизаторлар конструкцияларини яратиш ва шу асосда иссиқлик алмашгичларда жараёнларни жадаллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режасининг П-18.47-сон «Углерод диоксиди ва бошқа зарарли маҳсулотларни самарали ушлаб қолиш билан ёқилғини экологик хавфсиз ёқиш технологиясининг комплекс иссиқлик технологик схемаси» (2004-2005), М-Р-44-сон «Паст навли кўмирларни энергетик қўллаш технологияларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш» (2008-2009), А-3-79-сон «Полидисперс материалларга иссиқлик билан ишлов бериш ва паст навли қаттиқ ёқилғиларни ёқиш учун фаол гидродинамик режимли энергия самарадор кўп функцияли қурилма» (2015-2017) ва ОТ-А3-58-сон «Иссиқлик олиш технологик схемасида тутун газларининг иссиқлигини максимал қўллаш усули билан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг энергетик самарадорлигини ошириш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иссиқлик энергетикаси ҳамда иссиқлик ишлатувчи қурилмаларининг (ёқиш мосламаси ва қувурли иссиқлик алмашгич мисолида) паст навли қаттиқ ёқилғини жадаллаштирилган қайнаш қатламида ёқишнинг энергия самарадор янги технологиясини ишлаб чиқиш, қурилма конструкциясини такомиллаштириш орқали гидродинамик ва иссиқлик алмашиниш жараёнларини жадаллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

қаттиқ ёқилғи ёқиш ва иссиқлик алмашинув қурилмаларида гидродинамик ҳамда иссиқлик жараёнларини жадаллаштириш орқали уларнинг энергетик кўрсаткичларини аниқлаш;

паст навли қаттиқ ёқилғини ёқиш учун классик фавворали ва қайнаш қатламлар тамойиллари асосида янги жадаллаштирилган қайнаш қатламини яратиш;

паст навли қаттиқ ёқилғини ёқиш ва йўлдош кўшилмаларни сепарация қилиш учун кўп функцияли ёқиш мосламасининг конструкциясини яратиш;

жадаллаштирилган қайнаш қатламли ёқиш мосламасида кечадиган гидродинамик жараёнларнинг математик моделини яратиш;

иссиқлик элтувчи оқим кинетик энергияси ҳисобига тебранадиган локал турбулизаторнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш;

локал турбулизаторли иссиқлик алмашинув қувурларида гидродинамик ва иссиқлик жараёнларни жадаллаштириш усулини ишлаб чиқиш;

гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини жадаллаштиришни экспериментал тадқиқот қилиш учун ёқиш мосламаси ва локал турбулизатор билан қувурли иссиқлик алмашгичнинг тажриба намунасини яратиш;

иссиқлик энергетикаси жиҳозлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг иссиқлик ишлатувчи қурилмаларини ишлатишнинг энергия самарадор технологик схемаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг энергетик самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ёқилғи тайёрлаш, қаттиқ ёқилғини ёқиш ва қулни ушлаш тизимлари ҳамда иссиқлик электр станцияларининг иссиқлик алмашинув аппаратлари ва иссиқлик ишлатувчи саноат қурилмалари ва уларнинг параметрлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иссиқлик энергетикаси қурилмаларида кечадиган гидродинамик ва иссиқлик жараёнларни жадаллаштириш усулларининг тамойиллари ва қонуниятларини ташкил этади.

**Тадқиқотлар усуллари.** Тадқиқот жараёнида математик моделлаш назарияси, гидродинамик ва иссиқлик жараёнларнинг физик модели, термодинамика ва иссиқлик техникасининг ҳисоблаш усуллари, гидродинамика ва иссиқлик жараёнларини тадқиқот қилишнинг сонли ва физик ҳамда олинган натижаларга ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

циркуляция қайнаш қатлами тамойилларидан фарқ қилувчи, шу билан бирга классик қайнаш ва фавворали қатламлар тамойилларига асосланган жадаллаштирилган қайнаш қатламининг физик моҳияти гидродинамик қонуниятлар асосида аниқланган;

юқори қулли кўмирни ёқиш учун классик фавворали ва қайнаш қатламлар тамойиллари асосида яратилган янги жадаллаштирилган қайнаш қатламли кўп функцияли ўтхона жиҳозининг такомиллаштирилган конструкцияси ва энергия самарадор технологияси ишлаб чиқилган;

жадаллаштирилган қайнаш қатламининг газ ва қаттиқ заррачалар тезлиги, қаттиқ заррачаларининг концентрацияси, ишчи камеранинг геометрик параметрларига нисбатан қаттиқ заррачалар-газ аралашмаси босимининг қатлам баландлиги бўйича йўқотилиши каби характерли кўрсаткичларини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқилган;

жадаллаштирилган қайнаш қатлами гидродинамикасининг муҳим параметрлари бўлмиш газ ва заррачаларнинг вертикал ўқ бўйича тезликлари, ишчи камерада қаттиқ заррачанинг массаси ва ўлчамига боғлиқ ҳолда максимал баландликга кўтарилиши, қаттиқ заррачалар концентрацияси ва босим йўқотилишининг ишчи камера баландлиги бўйича ўзгаришининг экспериментал ва назарий графиклари ҳамда аналитик тенгламалари олинган;

иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг қувурларига ўрнатиладиган ва суюқлик оқими кинетик энергияси ҳисобига тебранма ҳаракатга келтириладиган локал турбулизаторининг янги конструкциялари ишлаб чиқилган;

суюқлик оқимининг кинетик энергияси ҳисобига тебранадиған локал турбулизаторнинг иссиқлик алмашинув қувурларида гидродинамик ва иссиқлик алмашилиш жараёнларини жадаллаштиришнинг физик моҳияти ва турбулизатор элементлари ҳамда турбулизация майдонининг доимий тебранма ҳолатда бўлиши гидродинамик қонуниятлар асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ёқиш мосламаси ишчи камерасининг рационал конструкциясини аниқлаш имконини берадиган қаттиқ заррача-газ ҳаракати гидродинамикасини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

дисперс ва полидисперс материалларни қиздириш, қуритиш, қуйдириш, совутиш, газ олиш, ёқиш, тутуб қолиш, зичлиги ва ўлчамларига қараб сепарация қилиш жараёнларини битта аппаратда ўтказиш имконини берадиган, жадаллаштирилган қайнаш қатлам тамойилларига асосланган кўп функцияли ёқиш мосламаси ишлаб чиқилган;

локал турбулизаторларнинг янги конструкцияларини иссиқлик алмашинув қурилмаларига ўрнатиш ва иш режимларини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган;

гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини жадаллаштириш асосида иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик ишлатувчи қурилмаларнинг энергия самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган ва ҳисоблаш тенгламалари аниқланган.

жадаллаштирилган қайнаш қатламли, энергия самарадор ёқиш мосламасининг такомиллаштирилган конструкцияси ва қувурли иссиқлик алмашигичлар учун тебранувчи локал турбулизаторларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги термодинамика, гидродинамика ва иссиқлик алмашинуви назариясининг мос бўлимлари асосида ишлаб чиқилган адекват математик моделлар, назарий ва экспериментал маълумотларнинг синовдан ўтган усуллар билан таҳлил қилишда замонавий тадқиқот усулларининг қўлланиши билан таъминланганлиги ҳамда иссиқлик энергетикаси қурилмаларининг компьютер моделлари ва тажриба қурилмаларида олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили ва уларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик ишлатувчи қурилмаларда амалга ошириладиган гидродинамика ва иссиқлик алмашинув жараёнларига, иссиқлик ҳисоби назарияси ва амалиётига, иссиқлик техникасининг назарий асосларига, паст сифатли қаттиқ ёқилғиларни ёқишнинг ва иссиқлик алмашинув қурилмаларининг конструкцияларини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг рационал параметрларини танлаш ривожига қўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полидисперс материаллар билан турли иссиқлик жараёнларини (қиздириш, қуритиш, қуйдириш, совутиш, газ олиш, ёқиш, қаттиқ заррачаларни тутиш ва сепарация қилиш) бажариш учун ишлаб чиқилган кўп функцияли ёқиш мосламасининг ҳамда

иссиқлик алмашилини жадаллаштириш учун иссиқлик алмашинув курилмаларида локал турбулизаторнинг кенг кўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Иссиқлик энергетикаси курилмаларининг (ёқиш мосламаси ва қувурли иссиқлик алмашигич) самарадорлигини ошириш, уларнинг асосий иссиқлик-техникавий ва конструктив параметрларининг рационал қийматларини аниқлаш, гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини моделлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

жадаллаштирилган қайнаш қатламли кўп функцияли ўтхона жиҳозининг такомиллаштирилган курилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога патенти олинган («Полидисперс материалларга иссиқлик ишлов бериш ёки қаттиқ ёқилғиларни ёқиш учун курилма» № IAP 04840 2014 й.). Натижада саноат корхонасида йилига 4,7 млн. нм<sup>3</sup> табиий газни тежаш имкони яратилган;

иссиқлик алмашилиш курилмаларининг қувурларига ўрнатиладиган ва суюқлик оқими кинетик энергияси ҳисобига тебранма ҳаракатга келтириладиган локал турбулизатор конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога патенти олинган («Иссиқлик алмашилиш қувирининг турбулизациялаш курилмаси» № IAP 04514 2012 й.). Натижада саноат корхонасида йилига 1,0 млн. кВт\*соат электр энергияни тежаш имкони яратилган;

жадаллаштирилган қайнаш қатлам технологияси полидисперс материалларни қуриштириш, қиздириш, қуйдириш ва газификациялаш учун «Средацветметэнерго» АЖнинг ишлаб чиқариш цехида жорий этилган («Средацветметэнерго» АЖ 2018 йил 26 июндаги 62- сон маълумотномаси). Натижада корхонада йилига 3,0 млн. нм<sup>3</sup> табиий газни тежаш имкони яратилган;

жадаллаштирилган қайнаш қатлам технологияси полидисперс материал қаттиқ заррачаларини уларнинг ўлчами ва зичлиги бўйича сепарация қилиш, намлаш, совутиш ҳамда майда заррачаларни чўктириб тутиб қолиш учун «Средацветметэнерго» АЖнинг ишлаб чиқариш цехида жорий этилган («Средацветметэнерго» АЖ 2018 йил 26 июндаги 62- сон маълумотномаси). Натижада корхонада йилига 26 000 кВт\*соат электр энергияни тежаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та халқаро конгресс ва анжуманларда, 4 та республика илмий амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 4 та халқаро, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилган илмий нашрларда 13 та (республика журналларида) мақола нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигининг 4 та ихтирога патентлари олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, наشر этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий иссиқлик энергетика қурилмаларида энергия самарадорлигини ошириш имкониятлари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот масалаларининг замонавий ҳолати ва таҳлили асосида тадқиқотлар муаммоси шакллантирилган. Ушбу боб, мавжуд қайнаш қатламли ёқиш мосламалари ишининг самарадорлигини ва қувурли иссиқлик алмашгичларда иссиқлик элтувчи оқимини турбулизацияловчи конструкциялар ва услубларини таҳлил қилишдан бошланган. Ангрен қўнғир кўмирининг характеристикалари ва хоссалари ўрганилган ва кулининг кимёвий таркиби таҳлил қилинган. Маълум илмий ишлар ва маълумотлар манбааларининг таҳлили натижасида тадқиқот масалаларининг етарлича ўрганилмаганлиги эътироф этилган. Иссиқлик энергетикаси қурилмаларининг гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини жадаллаштириш ҳамда конструкцияларини такомиллаштириш асосида уларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва ҳисоблаш услубларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги тадқиқот масаласининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш натижаси орқали ифодаланган.

Диссертациянинг «**Иссиқлик энергетикаси қурилмаларининг гидродинамик ва иссиқлик алмашинуви жараёнларини математик ва компьютерда моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Классик қайнаш ва фавворали қатламлар принципларини биргаликда қўллаш, мавжуд ёқиш қурилмаларининг элемент ва конструкцияларини такомиллаштириш, ёқиш қурилмасининг принципиал янги, жадаллаштирилган қайнаш қатламли (ЖҚК) конструкциясини ишлаб чиқишга имкон яратди. Ёқиш мосламасининг физик модели 1- расмда келтирилган ва унинг ишлаш принциплари баён қилинган. Полидисперс кўмир 1 ҳаво 3 ва рециркуляция тутун газлари 4 билан микрофаввора ҳолатига келтирилади (расм 1). Ёниши ва урилиб парчаланиши ҳисобига ёқилғи қаттиқ заррачаларининг массаси ва ҳажми камая боради. Ёқилғининг нисбатан оғирроқ заррачалари қурилманинг пастки II (конус) қисмида, енгил заррачалар эса қурилманинг призматик III қисмини эгаллайди ва қайнаш қатламини ҳосил қилади. Тезликнинг критик олиб кетиш қийматларига эришган қаттиқ заррачалар бир секциядан кейингисига ўтиш

поғонаси IV орқали ўтади. Кейинги секцияларда критик тезликнинг қиймати олдинги секциядаги қийматига нисбатан кичик бўлади. Кулнинг асосий қисми охириги секцияда совутилади ва чиқариб ташланади. Барча секцияларда ёниш жараёнини бошқариш ва турғун гидродинамик ҳолатни сақлаш учун тутун газларининг маълум миқдори рециркуляция қилинади. Минерал қўшилма заррачаларини чиқариб ташлаш биринчи секциянинг пастки конуссимон қисмидан махсус мослама 5 орқали амалга оширилади.

Қурилманинг гидравлик қаршилигини камайтириш учун рационал геометрик шаклини аниқлаш муҳимдир. Қурилма пастки қисмини турли хил геометрик шакллари учун ҳисобий йўл билан гидравлик қаршиликлари тадқиқот қилинди. Бернулли ва Дарси-Вейсбах тенгламаларини қўллаб сууюқлик оқимиغا канал кўндаланг кесими юзаси шаклининг гидравлик қаршилиги аниқланди. Олинган интеграл боғланишлар Симпсон формуласини қўллаб тахминий услублар билан ҳисобланди. Ҳисоблашлар орқали квадрат шаклдаги кесим юза учун гидравлик қаршилиқ кичик қийматга эга бўлиши ҳамда нисбатан катта ўтказувчанликга эга эканлиги аниқланди. Кесик конус учун ишқаланиш коэффициентини топиш боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга бўлди:



**Расм 1.**

**Жадаллаштиришган қайнаш қатламли ёқиш мосламасининг принципал схемаси**

$$\lambda = \frac{\Delta p \cdot 4 \left( r + \frac{h}{N} \operatorname{tg} \alpha \right) \cdot g}{\frac{h}{N} \cdot \vartheta^2} ; \quad \Delta P = \frac{\rho \vartheta^2}{2\varphi^2}, \quad (1)$$

бу ерда  $h/N$  – конуснинг нисбий баландлиги;

$\alpha$  - конуслик бурчаги, бизнинг ҳолатда  $\alpha = 30^\circ$ ,  $r$  – конус асосининг радиуси, м;  $\rho$  - муҳит зичлиги,  $\text{кг/м}^3$ ;  $\varphi$  - тезлик коэффициенти;  $\vartheta$  - берилган кесимдаги ўртача тезлик, м/с.

Қурилмада турғун ва ривожланган ЖКҚ гидродинамикасининг муҳим параметрларини ва улар орасидаги боғлиқларни аниқлаш учун жараёнларни математик моделлаштириш масалалари кўриб чиқилган. ЖКҚ нинг юқорида келтирилган принципларига асосланиб ишчи камера секциясида марказий ўқ узунлиги бўйича гетероген муҳитнинг ҳаракатланиш тенгламасини ёзиш мумкин:

$$C_V \rho_M (\overline{W} \nabla) \overline{W} = \rho_M C_V g + \frac{3}{4} \xi \frac{C_V \rho_G}{d} |\overline{\vartheta} - \overline{W}| (\overline{\vartheta} - \overline{W}) - \nabla(C_V P), \quad (2)$$

бу ерда  $\overline{W}$  ва  $\overline{\vartheta}$  - қаттиқ муҳит ва газ тезликлари, м/с;  $\rho_M$  ва  $\rho_G$  - кўмир ва газнинг зичлиги,  $\text{кг/м}^3$ ;  $C_V$  – материалнинг газдаги хажмий концентрацияси;  $d$  – кўмир заррачаларининг диаметри, м;  $\xi$  – кўмир заррачасининг тўқнаш қаршилиқ коэффициенти;  $P$  – газ босими, Па.

Берилган тенгламани ечиш учун қуйидаги фикрларни қабул қиламиз:

1) кўмир заррачалари ва газнинг оқим ядросидаги ҳаракати бир текис; 2) кўтарилаётган оқим ядросида кўмир заррачаларининг қуриши ва майдаланиши жуда кичик; 3) газ ва қаттиқ заррачанинг радиал ва тангенциал тезликлари анча кичик.

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда (2) - тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$W_z \frac{dW_z}{dz} = g + \frac{3}{4} \frac{\rho_r}{\rho_M} f(\text{Re})(g_z - W_z)^2 - \frac{1}{\rho_M} \frac{dp}{dz}, \quad (3)$$

бунда:  $z$  – вертикал координата;  $g_z$  ва  $W_z$  - тезликларнинг  $z$  ўқиға проекциялари, м/с.

Ёқиш камерасини баландлик бўйича шартли равишда  $n$  участкаларға бўламиз ва  $i$  - участкада ( $i = 1, n$ )  $g_z = \text{const}$  деб қабул қиламиз.

Қайнаш қатлами учун ишчи камера баландлиги бўйича босим йўқотилиши тенгламасини

$$\frac{dP_i}{dz} = -\frac{\Delta P_i}{\Delta h_i} = -\rho_M C_{v_i} g \quad (4)$$

кўринишда ёзишимиз мумкин, бунда:  $\Delta P_i$  - оқим ядросининг  $i$  - участкасида босим тушиши;  $\Delta h_i$  – аппаратнинг  $i$  - участкаси баландлиги;  $C_{v_i}$  - аппарат ядросида материалнинг хажмий концентрацияси.

У ҳолда (3) - тенглама қуйидаги кўринишға эга бўлади:

$$\frac{dW_{z_i}}{dz} = (1 + C_{v_i})g / W_{z_i} + \frac{3}{4} \frac{\rho_r}{\rho_M d} f_i(\text{Re})(g_z - W_{z_i})^2 / W_{z_i}. \quad (5)$$

(5) - тенглама учун бошланғич шартларни  $W_z(z_0) = W_{z_0}$  кўринишда қабул қиламиз. Радиал тезликнинг камера радиусига боғлиқлиги  $V_R(\theta) = B \theta^2$  кўринишда бўлади (бунда  $B$  – қиймати материал баланسدан аниқланадиган пропорционаллик коэффиценти), конуснинг очилиш бурчаги  $\theta$ , газ аралашмаси марказий оқимининг радиуси  $r_0$  га боғлиқлигини эътиборға олиб математик ўзгартиришларни амалға оширган ҳолда, марказий оқимдаги ўртача тезликнинг боғлиқлигини аниқлаш мумкин ва  $i$  – участка учун унинг ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$g_{z_i} = \frac{L f_1(\theta_{*i})}{2\pi z_i^2 J_1}, \quad (6)$$

бунда:  $J_1 = -\theta_0^2 \cos\theta_0 + 2\theta_0 \sin\theta_0 - 2\cos\theta_0 + 2$ ;  $\theta_0$  - камера конуси учун очилиш бурчагининг ярми;  $L$  – аппаратдаги газнинг тўлиқ сарфи, м /с<sup>3</sup>;  $\theta_*$  қуйидаги тенгликдан аниқланади:  $\sin(\theta_*) = r_0 / z$ .

(6) - тенгламани эътиборға олиб, (5) - тенглама Рунге-Кутт услубини қўллаб, Коши масаласи каби ечилади.

$Z$  ўқи бўйлаб қаттиқ заррачалар тезлигини аниқлаш учун қуйидаги тенглама топилади:

$$W_{z_i} = -\frac{G_M}{C_{v_i} S_1 \rho_M}. \quad (7)$$

Бу ерда:  $G_M$  – аппаратга берилаётган материал сарфи, кг/с;  $S_1$  - ядро кесимининг юзаси,  $m^2$ ;  $S_1 = \pi r_0^2$ ;  $r_0$  – ядро радиуси, м.

(5) - тенгламадан топилган  $W_{z_i}$  қийматини (7) - тенгламага қўйиб, газ таркибидаги материалнинг  $i$  - участкадаги  $C_{V_i}$  - ҳажмий концентрациясини ва ундан сўнг  $i$  - участкадаги кўтарилиш вақти  $\tau_i$  ни топиш мумкин:

$$\tau_i = \frac{\Delta h_i C_{V_i} S_1 \rho_M}{G_M} . \quad (8)$$

Унда, аппарат ядросида материалнинг тўла кўтарилиш вақти:


$$\tau = \sum_i \tau_i . \quad (9)$$

Қатламда қаттиқ заррачалар эгаллаган энг юқори нуқтани  $Z_{max} = H$  деб белгиласак, қатламда қаттиқ заррачалар кўтариладиган максимал баландикни характерлайдиган боғланиш олинди:

$$H = \frac{\ln \left[ \left( 1 - \frac{v}{G_M} v^2 \right) \left( 1 + \frac{v}{G_M} v_0^2 \right) \right]}{2 \frac{v}{G_M} g} . \quad (10)$$

(10) - тенглама маълум вақт оралиғида тезлик  $U$  ва масофа  $H$  орасидаги боғланишни ифодалайди. Тезлик кўрсаткичи  $U$  нинг ўзгартирилиши орқали заррачаларнинг ишчи камера баландлиги бўйича ҳаракатланиш траекториясини ва концентрациясини аниқлаш мумкин. Параметр  $H$  қийматини билган ҳолда заррачаларнинг ҳар бир секцияда бўлиш вақти ва ишчи камера унумдорлигини бошқариш имконини таъминлайдиган секциялар орасидаги ўтиш поғоналари баландлиги аниқланади.

Олинган математик модель Рунге-Куттнинг 4 - даражали услуби билан ечилган. Ҳисоблар алгоритмининг блок-схемаси яратилган. Сонли



**Расм 2. Турбулизаторли тажриба қувурининг схемаси:**

- 1 – зангламайдиган сим;**
- 2 – ғовак турбулизаторлар;**
- 3 - иссиқлик алмашиқ қувури;**
- 4 – суюқлик оқимининг ҳаракатланиш йўналиши**


тадқиқотларда **Matlab** дастурий маҳсулоти қўлланилган. Сонли ва экспериментал тадқиқотлар натижалари III бобда келтирилган.

Ишлаб чиқилган локал турбулизаторларнинг (ЛТ) янги конструкциялари қўлланилган қувурли иссиқлик алмашиқларда гидродинамика ва иссиқлик алмашиқининг жадаллаштириш жараёнлари бўйича компьютерда моделлаштириш ва сонли тадқиқот натижалари келтирилган.


Экспериментал моделнинг ишлаш принциплари келтирилган. Эркин шаклдаги ингичка сим ва ғовак материалдан ясалган сферик ва бошқа

шаклдаги турбулизаторлар 2 ЛТнинг асосий элементлари ҳисобланади (расм 2). Симнинг бир учи қувурнинг 3 кириш қисмига маҳкамланади, иккинчи учи эса эркин қолдирилади. Сув оқими 4 ғовак жисмнинг нотекис юзасини ювиб ўтиши натижасида уларни бўйлама ва радиал йўналишда тебранма ҳаракатга келтиради. ЛТ элементларининг тебраниш частотаси симнинг тарангилик кучига, ғовак жисмнинг солиштирма оғирлиги ва шаклига боғлиқ. Шу усулда суюқлик оқими қувурнинг бутун ҳажми бўйича турбулизацияланади. Интернетнинг эркин ҳудудида жойлашган *COMSOL Multiphysics* дастурий маҳсулотни қўллаб, компьютер модели яратилган. Бу дастурнинг танланишига уни ишлатишнинг соддалиги, экспериментнинг аниқлиги ва илмий тадқиқотлардаги чекланмаган имкониятлари асос бўлди. Иссиқлик алмашинув қувурида суюқлик оқими турбулизациясининг сонли тадқиқоти амалга оширилган.


Суюқликдаги турбулентли иссиқлик-масса алмашинув модели Навье-Стокс тенгламасини (импульснинг сақланиш қонуни), узлуксизлик тенгламасини (суюқлик массасининг сақланиш қонуни), скаляр катталиқнинг диффузион узатилиши тенгламасини (массанинг сақланиш қонуни) ўз




**Расм 3. Тажриба моделининг тузилиши**



**Расм 4. Тезликлар майдонининг тақсимланиши, V [m/c]**



**Расм 5. Оқим босими майдонининг тақсимланиши, P [Па]**




**Расм 6. Ҳарорат майдонининг тақсимланиши, T [K]**


таркибига олган. Иссиқлик алмашинуви ва гидродинамик жараёнларни жадаллаштиришга қаратилган тадқиқотларнинг зарур натижалари олинди. Таклиф этилаётган ЛТ конструкцияларининг натижасини кўрсатувчи сонли

тадқиқотлар сериясининг умумлаштирилган графиклари 3 -, 4 -, 5 - ва 6 - расмларда келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал қурилмаларни ишлаб чиқиш ва яратиш, гидродинамика ва иссиқлик алмашинув жараёнларини тадқиқот қилиш**» деб номланган учинчи бобида экспериментал қурилмалар тавсифи, тажрибалар ўтказиш услублари ва экспериментал тажрибаларнинг натижалари келтирилган. ЖКҚнинг гидродинамик характеристикаларини тадқиқот қилиш учун бир қатор экспериментал қурилмалар ишлаб чиқилди ва яратилди. Қурилмаларда ВВД-4 вентилятор, Testo 405-V1 термометри ва ММН-2400 диференциал микроанометри ишлатилди. Паст навли кўмирларнинг гидродинамик кўрсаткичларини ЖКҚда тадқиқот қилиш учун яратилган уч секцияли тажриба қурилмаси (расм 7) куйидагилардан иборат: вентилятор 1, калорифер 2, ҳаво сарфи ростлагичи 3, сарф ўлчагич 4, оғир заррачаларни йиғувчи идиш 5, уюрмалагич 6, қурилма конуссимон 7 ва тўртбурчак 8 қисмлари, бункер 9 ва 10, иссиқлик қабул қилгич 11, циклон 12, фильтр 13, вентилятор 14, тутун газлари рециркуляцияси 15 ва 16, кул йиғич 17 ва оқиб ўтиш поғонаси 18. Секциялар баландлиги  $H = 750$  мм, тўртбурчак қисмининг томонлари  $200 \times 200$  мм. Қурилма маҳсулдорлиги  $G = 22 \dots 24$  кг/соат.





**Расм 7. Жадаллаштирилган қайнаш қатламли уч секцияли тажриба қурилмасининг схемаси**





**Расм 8. ЖКҚда бошланғич қатламнинг турли баландликларида модел материаллар учун гидравлик қаршилиги ва критик тезлик графиклари**

Тадқиқотларда қаттиқ заррачалар ҳаракат траекториясини ва уларнинг тезликларини ўлчашда GR-D850AS рақамли видеокамера қўлланилган.



**Расм 9. Заррачаларнинг  $W_0$  кириш тезлигининг турли қийматларида  $\Delta P = f(\Delta h)$  графиклари: заррача диаметри  $d_c = 12$  мм, конуснинг очилиш бурчаги  $\theta = 40^\circ$ , x – эксперимент натижалари**




**Расм 10. Заррачаларнинг  $W_0$  кириш тезлиги турли қийматларида  $C_v = f(h)$  графиклари: заррача диаметри  $d_c = 8$  мм, конуснинг очилиш бурчаги  $\theta = 40^\circ$ , x – эксперимент натижалари**

Модел материаллар учун умумлаштирилган фаввора эгри чизиқлари 8-расмда келтирилган. Узлуксиз чизиқ сонли ҳисоб натижаларини ифодалайди. Ушбу график орқали ЖКҚ гидродинамикаси учун муҳим бўлган кўрсаткичлари – иссиқлик элтувчининг тезликлар бўйича биринчи ва иккинчи критик нуқталари аниқланган. Иккита критик нуқта оралиғи ЖКҚ гидродинамикасининг турғунлиги билан тавсифланади. Модел материал сифатида нўхат, кунгабоқар пистаси, гречка, аммоний силикати грануласи ва полидисперс кўмир ишлатилди. Қатлам турғунлиги унинг баландлигига, қаттиқ ва газ муҳитлариининг физик характеристикаларига, қурилманинг геометрик кўрсаткичларига боғлиқлиги аниқланган. Сонли ва экспериментал тадқиқотларнинг айрим натижалари 9 -, 10 - ва 11 - расмларда келтирилган. Ишчи камеранинг  $\Delta h$  баландлигига эга элементар ҳажм кесимларида газлар босимининг камера баландлиги бўйича ўзгариш характери 9- расмда берилган. Эгри чизиқлар  $d_c = 12$  мм бўлган кўмир заррачалари учун бошланғич тезлик  $W_0 = 2 \dots 10$  м/с да олинган. Тезлик қийматлари  $W_0 = 3,0 \dots 3,5$  м/с дан кичик бўлганда чизиқларнинг синиши кузатилади, бу нотурғун гидродинамик ҳолат мавжудлигини, яъни маълум миқдордаги заррачаларни керакли

бадандликга кўтариш учун босимнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Ушбу графиклардаги сакрашлар ишчи камерасининг фаввора қатлами тугаётган ва қайнаш қатлами бошланаётган баландлигига тўғри келади. 10 - расмда газ таркибидаги қаттиқ заррачалар концентрацияси  $C_V$  нинг 9 - расмда келтирилган кўрсаткичлар ва ўша  $\Delta h$  да ўзгариши келтирилган. Бу ерда ҳам  $W_0 = 3,0 \dots 3,5$  м/с да нотурғун кўрсаткичли участкалар кузатилди. Кўрилаётган графиклардаги сакрашлар ишчи камерасининг фаввора қатлами тугаётган ва қайнаш қатлами бошланаётган баландлигига тўғри келади.


Жадаллаштирилган қайнаш қатлам гидродинамикасини характерловчи қаттиқ заррача  $W$  ва газ  $V$  тезликлари, уларнинг нисбати ҳамда  $\Delta h$  га нисбатан қаттиқ заррачаларнинг кўтарилиш вақти каби кўрсаткичлар бўйича тадқиқот натижалари 11 – расмда келтирилган. Эгри чизиқлар  $W_0$  ва  $\theta$  нинг турли қийматларида олинган. Заррачалар тезлиги юқорига кўтарилган сари ишчи



**Расм 11. Камера баландлиги  $\Delta h$  га нисбатан кўмир заррачалари  $W$  ва газнинг  $V$  тезлиги, заррачаларнинг кўтарилиш вақти  $\tau$ , газ ва заррача тезликлари нисбати  $V/W$  графиклари,  $x$  – эксперимент натижалари**


камера каналининг кенгайиши ва босимнинг тушиши (газ оқими тезлигининг пасайиши) ҳисобига монотон равишда камайиб боради. 11 – расмда келтирилган графиклар  $W_0 = 6,0$  м/с ва  $W_0 = 3,0$  м/с олинган.  $W_0 = 3,5$  м/с тезликда заррачаларнинг кўтарилиш вақти ва тезликлар нисбати графиклари турғун гидродинамиканинг бузилиши чегарасида жойлашган.  $W_0 = 3,0$  м/с дан бошлаб жараён турғунлиги бузилади.

